

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ АНДИЖОН ШАҲРИ ШАРОИТИДА ЯШОВЧИ КИЧИК МАКТАБ ЁШИДАГИ ЎҒИЛ ВА ҚИЗ БОЛАЛАР БОШ СОҲАСИ КРАНИОМЕТРИК ПАРАМЕТРЛАРИНИНГ ЎСИШ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Камолов М.О., Пулатов Н.Х., Улугбекова Г.Ж.,

Андижон Давлат тиббиёт институти, Ўзбекистон.

✓ Резюме,

Юзнинг морфологик баландлиги кўрсаткичи 7 ёшдаги ўғил ва қиз болаларда деярли бир хил бўлади (ўғил болаларда $9,75 \pm 0,15$ см; қиз болаларда $9,71 \pm 0,08$ см). Юзнинг морфологик баландлиги кўрсаткичи ўғил ва қиз болаларда ўсишда давом этиб, 12 ёшда ўғил болаларда $11,1 \pm 0,17$ см га, қиз болаларда $10,81 \pm 0,26$ см га тенглашади. 7-12 ёшгача бўлган даврда ўғил болаларда кўрсаткич 13,8 % га ошса, қизларда эса 11,3 % га ошади. Ўсиш кўрсаткичлари қиз болаларда ўғил болаларга нисбатан жадалроқ кечади.

Калит сўзлар. Бош мия соҳа, антропометрия, краниометрия, онтогенез, ўсиш динамикаси, пешона соҳа, калла қисмлари.

ПОКАЗАТЕЛИ РОСТА КРАНИОМЕТРИЧЕСКИХ ПАРАМЕТРОВ ОБЛАСТИ ГОЛОВЫ У ДЕВОЧЕК И МАЛЬЧИКОВ МЛАДШЕГО ШКОЛЬНОГО ВОЗРАСТА ПРОЖИВАЮЩИХ В УСЛОВИЯХ ГОРОДА АНДИЖАНА АНДИЖАНСКОЙ ОБЛАСТИ

Камолов М.О., Пулатов Н.Х., Улугбекова Г.Ж.,

Андижанский государственный медицинский институт, Узбекистан.

✓ Резюме,

Показатель морфологической высоты лица у мальчиков и девочек 7 лет бывает почти одинаково (у мальчиков $9,75 \pm 0,15$ см, у девочек $9,71 \pm 0,08$ см.) Показатель морфологической высоты лица у девочек и мальчиков продолжая расти у мальчиков 12 лет составляет $11,1 \pm 0,17$ см, у девочек $10,81 \pm 0,26$ см. В период 7-12 лет показатель у мальчиков возрастает на 13,8%, у девочек на 11,3%. Показатели роста у девочек растут стремительнее чем у мальчиков.

Ключевые слова. Голова, мозговая область, антропометрия, краниометрия, онтогенез, динамика роста, лобная область, части головы.

GROWTH INDICATORS OF THE PARAMETERS OF LENGTHS OF THE HEAD OF SCHOOL GIRLS AND BOYS LIVING IN CONDITION'S OF ANDIJAN CITY ANDIJAN REGION

Kamalov M.O., Pulatov N.X., Ulugbekova G.J.,

Andijan State Medical Institute, 110000 Uzbekistan, Andijan Navoiy avenyu 126.

✓ Resume,

The indicator of the morphological height of the face in boys and girls of 7 years is almost the same (in boys $9,75 \pm 0,15$ sm, in girls of $9,71 \pm 0,08$ sm.) The indicator of the morphological height of the face in girls and boys continues to grow in boys of 12 years it is $11,1 \pm 0,17$ sm, for girls $10,81 \pm 0,26$ sm. In the period of 7-12 years, the indicator in boys increases by 13.8 %, in girls by 11.3 %. Growth rates in girls are growing more rapidly than in boys.

Keywords. Head, brain part, anthropometry, craniometry, ontogenesis, dynamics of the growth, the frontal part, parts of the cranium.

Долзарблиги

Ёшга боғлиқ антропология маълум бир муҳитда жойлашган одам танасидаги ўсиш ва ривожланиш жараёнларини ўрганади. Турли хил географик зоналарда, шунингдек, ҳар хил шароитларда яшайдиган болалардаги ўсиш жараёнларини антропологик жиҳатдан ўрганиш одам экологияси ва тиббий географиянинг муаммоларини ечишда муҳим аҳамиятга эга.

Антропометрик белгилар организмнинг ўсиш ва ривожланиш жараёнларини объектив тарзда ўзида намойён қилиб, аниқ бир босқичда бу жараёнларни даражаси, йўналиши ва қонуниятларини муҳокама қилишга ёрдам беради. Шунинг учун антропометрик белгилар тиббий-клиник, ижтимоий-гигиеник ва антропометрик баҳолашда катта аҳамиятга эга.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, ўзига хос географик зона бўлган Андижон вилоятини Андижон

шаҳрида болаларнинг жисмоний ривожланишини ўрганиш ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга эгадир. Бу йўналишда кичик мактаб ёшидаги болаларда антропометрик кўрсаткичларининг ўзгаришларини ўрганиш энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Илмий тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари. Асака тумани шароитида яшайдиган ўрта мактаб ёшидаги ўғил ва қиз болаларнинг бошнинг пешона қисми ўсиш параметрларини аниқлаш.

Материал ва услублар

Илмий тадқиқотнинг материали сифатида Андижон вилояти ҳалқ таълими муассасаларининг фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими тасарруфидаги 44-, 46- ва 46-умумтаълим мактабларининг 1-6 синфларида таҳсил олаётган ўрта мактаб ёши (7-12 ёш) даги жисмоний ва ақлий жиҳатдан соғлом бўлган 300 нафар ўғил ва қиз болалар олинди. Баъзи

муаллифларнинг таъкидлашича 7-12 ёшдаги болаларнинг морфологик ҳамда функционал кўрсаткичлари уларнинг календар ёшига боғлиқ. Текширишларни ўтказишда болалар Э.Г.Мартиросов (1982) тавсиясига асосан яъни ёши ва жинсига қараб алоҳида гуруҳларга ажратилди. Краниометрик текшириш натижаларини тўғри баҳолаш мақсадида болаларнинг ёши Х.Г.Бутаев, К.С.Ладодо, И.Я.Конь, Я.Усмановлар (1985) томонидан тавсия этилган қуйидаги қоидга асосида амалга оширилди.


Бошнинг антропометрик кўрсаткичларини ўлчашда В.С.Сперанский, А.И.Зайченко (1980,1988) ва Г.Г.Автандилов(1990) усулларидан фойдаланилди. Кўрсаткичларни ўлчаш жараёни болалар тик турган ҳолатда амалга оширилди. Краниометрик кўрсаткичларни ўлчаш жараёнида Marthin R. (1928) томонидан тавсия этилган краниометрик нуқталардан фойдаланилди.

Натижа ва таҳлиллар

Олинган натижалар шуни кўрсатдики, калланинг горизонтал айланаси ўғил болаларда 7 ёшдан 12 ёшгача катталанишида давом этади ва $51,3 \pm 0,80$ см дан $54,7 \pm 0,58$ см гача катталашади. Бу даврда ушбу кўрсаткич 6,6 % га ошади. 7-10 ёшдаги ўғил болаларда нисбатан интенсив ўсиш кузатилса, 11-12 ёшлар орасида ўсишни секинлашишини кўриш мумкин (диаграмма 1). Қиз болаларда ҳам калланинг горизонтал айланаси ўрганилган ёшларда ўсиб бориши кузатилди ($50,4 \pm 0,27$ см дан $53,4 \pm 1,05$ см гача). Нисбатан интенсив ўсиш даври 7-10 ёшлар орасига тўғри келади ва ўсиш 5,9 % ни ташкил этади (жадвал № 1).

Диаграмма 1.

Калланинг горизонтал айланасини ўсиш динамикаси



Жадвал №1

7 ёшдан 12 ёшгача бўлган даврда калланинг горизонтал айланасини, калланинг бўйлама диаметри ва калланинг кўндаланг диаметрини ўсиш динамикаси ($X \pm m$, см да)


Ёши	Жинси	Калланинг горизонтал айланаси	Калланинг бўйлама диаметри	Калланинг кўндаланг диаметри
1	Ўғил	$51,3 \pm 0,80$	$16,0 \pm 0,19$	$14,2 \pm 0,24$
	Қиз	$50,4 \pm 0,27$	$15,0 \pm 0,25$	$14,0 \pm 0,27$
2	Ўғил	$52,2 \pm 0,43$	$16,2 \pm 0,36$	$14,2 \pm 0,16$
	Қиз	$51,3 \pm 0,67$	$15,2 \pm 0,27$	$14,0 \pm 0,25$
3	Ўғил	$52,9 \pm 0,81$	$16,3 \pm 0,23$	$14,4 \pm 0,36$
	Қиз	$52,6 \pm 0,75$	$15,5 \pm 0,3$	$14,2 \pm 0,30$
4	Ўғил	$53,1 \pm 0,09$	$16,5 \pm 0,24$	$14,7 \pm 0,26$
	Қиз	$52,9 \pm 0,58$	$15,8 \pm 0,33$	$14,6 \pm 0,16$
5	Ўғил	$54,3 \pm 0,37$	$16,6 \pm 0,35$	$15,0 \pm 0,08$
	Қиз	$53,1 \pm 0,62$	$16,1 \pm 0,28$	$14,8 \pm 0,09$
6	Ўғил	$54,7 \pm 0,58$	$16,6 \pm 0,32$	$15,3 \pm 0,18$
	Қиз	$53,4 \pm 1,05$	$16,4 \pm 0,20$	$15,0 \pm 0,15$

Калланинг бўйлама диаметри 7 ёшдаги ўғил болаларда $16,0 \pm 0,19$ см бўлса, 10 ёшда $16,5 \pm 0,24$ см, 12 ёшда эса $16,6 \pm 0,32$ см гача катталашади ва бу даврда 4% га ошади. Кўрсаткичларнинг энг жадал ўсиш вақти 7-10 ёш орасига тўғри келади (диаграмма 2). Қиз болаларда эса калланинг бўйлама диаметри 7-12

ёшлар орасида $15,0 \pm 0,26$ см дан $16,4 \pm 0,20$ см гача катталашади. Бу даврда ушбу кўрсаткич 9 % га ошади. Натижалар шуни кўрсатдики, қиз болаларда калланинг бўйлама диаметри ўғил болаларга қараганда ўрганилган ёшларда нисбатан кўпроқ ўзгаришларга юз тутди (жадвал № 1).

Диаграмма 2.

Калланинг бўйлама диаметрини ўсиш динамикаси



7 ёшли ўғил болаларда калланинг қўндаланг диаметри $14,2 \pm 0,24$ см ни ташкил этса, қиз болаларда ушбу кўрсаткич $14,0 \pm 0,27$ см га тенг бўлади. Ушбу кўрсаткич ўрганилган ёшларда ўғил ва қиз болаларда ўсишда давом этади ва 12 ёшдаги ўғил болаларда $15,3 \pm 0,18$ см, шу ёшдаги қиз болаларда $15,0 \pm 0,15$ см

ни ташкил этади (жадвал № 1). Калланинг қўндаланг диаметри ўсиши 7-12 ёш орасидаги қиз болаларда 7 % га, шу ёш орасидаги ўғил болаларда эса 8 % га ошади. Кўрсаткичларнинг энг жадал ўсиш давлари ҳар иккала жинсдагиларда ҳам 7-11 ёшлар орасига тўғри келади (диаграмма 3).

Диаграмма 3.

Калланинг қўндаланг диаметрини ўсиш динамикаси





Диаграмма 4.

Ёноқ диаметрининг ўсиш динамикаси



7 ёшдан 12 ёшгача бўлган даврда ёноқ диаметрини, юзнинг тўлиқ баландлиги ва юзнинг юқори қисми баландлигининг кўндаланг диаметрини ўсиш динамикаси ($X \pm m$, см да)

Ёши	Жинси	Ёноқ диаметри	Юзнинг тўлиқ баландлиги	Юз юқори қисмининг баландлиги
7	Ўғил	9,9±0,25	7,9±0,20	5,39±0,24
	Қиз	9,8±0,36	7,8±0,15	5,33±0,34
8	Ўғил	10,2±0,28	8,1±0,31	5,40±0,15
	Қиз	9,9±0,37	8,0±0,06	5,38±0,26
9	Ўғил	10,5±0,15	8,5±0,16	5,50±0,36
	Қиз	10,0±0,19	8,2±0,25	5,45±0,29
10	Ўғил	10,8±0,34	8,5±0,29	5,75±0,18
	Қиз	10,4±0,45	8,5±0,39	5,63±0,15
11	Ўғил	11,3±0,28	9,1±0,27	6,10±0,19
	Қиз	10,7±0,16	8,5±0,32	5,89±0,35
12	Ўғил	11,5±0,19	9,6±0,28	6,40±0,18
	Қиз	10,9±0,37	8,7±0,08	5,93±0,09


Юзнинг кенглигини изоҳлайдиган асосий кўрсаткичлардан бири ёноқ диаметридир. Юзнинг кенглигини 7 ёшдаги ўғил болаларда 9,9±0,25 см га тенг бўлади. 7-10 ёшдаги ўғил болаларда ушбу кўрсаткич ўсишда давом этади ва 10,8±0,34 см га тенглашади. Кейинчалик ўсиш бирмунча секинлашиб 12 ёшли ўғил болаларда 11,5±0,19 см га етади (жадвал 2). Бу краниометрик кўрсаткич 12 ёшда ўғил болаларда қиз болаларга нисбатан 1,2 бараварга каттароқ бўлади.

Текширишлар шуни кўрсатдики, ёноқ диаметри ўрганилган ёшдаги қиз болаларда бир меъёрда катталлашиб боради, яъни 7 ёшдаги қизларда 9,8±0,38 см га тенг бўлса, 10 ёшда 10,4±0,45 см ва 12 ёшда эса 10,9±0,37

см гача катталашади (диаграмма 4). Ушбу кўрсаткич ўғил болаларда 16 % га ошса, қизларда эса 11 % га ошиши кузатилади (жадвал №2). Юзнинг тўлиқ баландлигининг ўлчами 7 ёшли ўғил болаларда 7,9±0,20 см га тенг бўлса, 8-10 ёшлар орасида 8,5±0,29 см гача катталашади ва кўрсаткичлар орасидаги фарқ унча катта бўлмайди (жадвал №2). Қиз болаларда эса юзнинг тўлиқ баландлигининг ўсиши 7-9 ёшларда нисбатан сустроқ кечса (7 ёшдаги қизларда 7,8±0,15 см; 9 ёшли қиз болаларда 8,2±0,25 см), кейинчалик ушбу кўрсаткич нисбатан жадалроқ ўсади ва 8,7±0,08 см га тенглашади (диаграмма 5).

Диаграмма 5.

Юзнинг тўлиқ баландлигини ўсиш динамикаси



Натижалар кўрсатишича, юзнинг юқори қисми баландлиги кўрсаткичи ҳам ўғил болаларда ва қиз болаларга нисбатан каттароқ эканлиги аниқланди. 7 ёшли ўғил болаларда ушбу кўрсаткич 5,39±0,24 см га тенг бўлса, шу ёшдаги қизларда 5,33±0,34 см га тенг бўлади. Кейинги ёшларда бу кўрсаткич бир меъёрда ўсиб бориб 12 ёшли ўғил болаларда 6,40±0,18 см га, қиз болаларда эса 5,93±0,09 см га тенглашади. Ушбу

кўрсаткич ўғил болаларда 7-10 ёш орасида 7 % га, 11-12 ёшлар орасида эса 5 % га ошади. Қиз болаларда эса мос равишда 7-10 ёшда 5,6 % га, 11-12 ёшда эса 1 % га ошади. Олинган натижага асосланиб айтишимиз мумкинки, 10-12 ёшлар оралиғида ўғил болаларда ўсиш қиз болаларга нисбатан сезиларли даражада ортади (жадвал № 3).

7 ёшдан 12 ёшгача бўлган даврда юзнинг юқори кенглиги, юзнинг ўрта кенглиги, юзнинг морфологик баландлиги ва юзнинг физиономик баландлигининг ўсиш динамикаси ($X \pm m$, см да)

Ёши	Жинси	Юзнинг юқори кенглиги	Юзнинг ўрта кенглиги	Юзнинг морфологик баландлиги	Юзнинг физиономик баландлиги
1	Ўғил	10,00±0,35	9.53±0.24	9,75±0,15	15,7±0,26
	Қиз	9,82±0,28	9.81±0.13	9,71±0,08	15,6±0,19
2	Ўғил	10,12±0,36	9.67±0.20	9,89±0,19	16,3±0,29
	Қиз	9,97±0,17	9.87±0.23	9,80±0,15	16,3±0,28
3	Ўғил	10,43±0,19	9.95±0.16	9,95±0,25	16,7±0,26
	Қиз	10,28±0,21	9.98±0.06	9,87±0,16	15,3±0,23
4	Ўғил	10,85±0,37	9.99±0.07	10,57±0,31	17,1±0,20
	Қиз	10,71±0,25	10.12±0.06	9,93±0,25	16,5±0,18
5	Ўғил	11,21±0,23	10.03±0.33	10,94±0,09	17,6±0,23
	Қиз	10,85±0,38	10.33±0.20	10,73±0,20	17,1±0,28
6	Ўғил	11,56±0,09	10.90±0.24	11,1±0,17	17,7±0,24
	Қиз	10,97±0,27	10.52±0.09	10,81±0,26	17,3±0,16

Кўрсаткичларнинг энг жадал ўсиш давлари ҳар иккала жинсдагиларда ҳам 7-10 ёшлар орасига тўғри келади. Биринчи болалик, иккинчи болалик ва ўсмирлик давларида болалардаги кўплаб краниометрик кўрсаткичларда жинсий диморфизм кузатилишини ёзади [1, 3, 4].

Юз қисмининг чизиқли ўлчамларидаги жинсий тафовут юз қисмининг морфогенези тугаллангандан сўнг намоён бўлади [2].

Жинсий балоғатга етиш даврида калла суягининг шаклланишида эркаклар ва аёллар скелети орасида сезиларли фарқ кузатилади. Одам суяқларининг қолдиқларини ўрганиш индивиднинг қайси жинсга тааллуқлиги тўғрисида етарли даража маълумот бера олади [6].

Хулоса

Калла суягининг пешона қисми краниометрик кўрсаткичларида ҳар иккала жинсдаги кичик мактаб ёшидаги болаларда муттасил ўсиш жараёнини кузатиш мумкин. Кўрсаткичларнинг ўсиши ўғил болаларда қизларга нисбатан жадалроқ кечади. Энг жадал ўсиш жараёнлари 7-10 ёшларга тўғри келади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Алексина Л.А., Хайруллина Т.П., Ригонен В.И. и др. Этно-территориальные особенности массы костного вещества пястных костей // Российс. морфологические ведомости.- Москва, 1999.- №1-2.- С. 26.
2. Алексина Л.А., Ригонен В.И., Хайруллина Т.П. Процентное соотношение длин коротких трубчатых костей третьего луча кисти // Материалы IV междунаро. конгресса по интегративной антропологии. - СПб, 2002. - С.10-11.
3. Бикбаева Т.С., Неклюдов Ю.А., Николенко В.Н. Изменчивость ширины и высоты тела средних фаланг II-V пальцев кисти взрослых людей //Морфология. - СПб, 2008 - Том 133, № 2. - С.18-19.
4. Жвавий Н.Ф., Койносов П.Г., Орлов С.А. Медицинская антропология наука о человеке // Морфология. - СПб, 2008. - Том 133, № 3.- С.42-43.
5. Каранашева В.А., Шакова А.Х. Антропометрические показатели у детей школьного возраста //Морфология. - 2002. - Том 121, № 2-3. - С. 65-66.
6. Соколов В.В., Чаплыгина Е.В., Соколова Н.Г. и др. Конституциональная характеристика здоровых детей 8-12 лет // Морфологические ведомости. - Москва-Берлин, 2010. - №1-2, приложение. - С. 97.

Келиб тушган вақт 09.03. 2020